РЕСУРС ТЕЖАМКОРЛИГИ БЎЙИЧА САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ТАШКИЛИЙ – ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ (ҚЎЙЛИҚ КЎПРИКЛАР ТЕМИРБЕТОН КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ТАЖРИБА ЗАВОДИ МИСОЛИДА)

Курбанова Дилдора Абдураҳмоновна
Тошкент давлат техника университети таянч докторанти
E-mail: kurbanovadildora@gmail.com +99897 7561391

Аннотация: *Илмий мақолада турли олимлар томонидан стратегияга берилган илмий таърифлар келтириб ўтилган, саноат корхоналарида иқтисодий самарадорликни ошириш мақсадида корхонанинг ресурс тежамкорлиги бўйича ташкилий – иқтисодий стратегияни ишлаб чиқиш зарурияти тадқиқ этилган. Шунингдек, ресурс тежамкорлиги стратегиясини шакллантиришда муҳим жиҳатлар кўриб чиқилган ҳамда ресурс самарадор стратегиянинг элементлари ўрганилиб, шу йўналишда олимлар томонидан таклиф этилган иқтисодий модел таҳлил этилган.*

Калит сўзлар: *Стратегия, ресурс тежамкорлик, Ресурс тежамколиги Стратегияси, Ресурс самарадор Стратегия, ресурс самарадор Стратегия элементлари, Ташкилий – иқтисодий механизм, моддий – энергия ресурслари.*

Abstract: *The article presents the scientific definitions to the concept of Strategy, offered by different economists, explores the need to develop an organizational - economic mechanism for resource conservation to increase economic efficiency at industrial enterprises. Moreover, important aspects of the formation of the Resource Conservation Strategy were considered, as well as elements of a resource-efficient Strategy were studied and the economic model proposed by scientists in this area was analyzed.*

Key words: *Strategy, resource conservation, Resource Conservation Strategy, resource – efficient Strategy, elements of resource- efficient Strategy, organizational – economic mechanism, material – energy resources.*

Кириш

Саноат корхоналари мамлакат ресурс - хомашё базасининг асосий харидори бўлиб, ишлаб чиқариш жараёни натижасида уларни тайёр маҳсулот ҳолатига келтиради. Саноат корхоналарида ресурслардан фойдаланиш даражасини ўрганиш, олинган натижалар асосида улардан фойдаланиш энг мақбул вариантини ишлаб чиқиш, улардан фойдаланишда тежамкор йўлларни излаб топиш ва амалиётга тадбиқ этиш мақсади ҳар бир саноат корхонасининг олдида турган пировард мақсаддир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги № ПҚ – 4477 сонли “2019 – 2030 йилларда Ўзбекистон Республикасининг “яшил иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорида “...иқлимнинг ўзгариши шароитида самарали ресурс тежамкор ва экологик хавфсиз иқтисодиётни таъминлашда ўзаро боғлиқ муаммолар ва эҳтиёжлар мавжудлигини кўрсатди. Хусусан, жадаллашаётган саноатлаштириш ва аҳоли сонининг ортиши иқтисодиётнинг ресурсларга бўлган эҳтиёжини сезиларли даражада оширмоқда, шунингдек, атроф – муҳитга салбий антропоген таъсирни кучайтирмоқда ва иссиқхона газлари ажратмаларининг

ортишига олиб келмоқда. Узоқ муддатли стратегиянинг мавжуд эмаслиги “яшил” технологияларни жорий этиш ва “яшил” иқтисодиётга ўтиш бўйича тизимли чоралар кўришни таъминлашга имкон бермаяпти”[1]. Ушбу қарорда белгиланган вазифалардан энг асосийлари сифатида технологик модернизациялаш ва молиявий механизмларни ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва бошқалар кўрсатиб ўтилган.

Бироқ ҳозирги кунда олдимизда турган энг устувор вазифа шуки, ресурслардан фойдаланишда ресурс тежамкор технологияларни қўллаш давомида маҳсулотнинг сифати тушмаслиги, унинг аввалги хусусиятлари йўқолмаслиги, ташқи кўриниши ёмонлашмаслиги лозим. Корхонада ресурс тежамкорлиги бўйича чора – тадбирлар кенг қамровли бўлганлиги учун учун корхонанинг Ресурс тежамкорлиги бўйича стратегиясини ишлаб чиқиш корхонанинг фаолиятидаги асосий заруриятлардан бири деб ҳисоблаймиз.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Стратегия тушунчасига Стратегия ва тузилма (1962) китоби муаллифи Альфред Д.Чандлер қуйидагича таъриф берган: Стратегия бу - корхонанинг асосий узоқ муддатли мақсадлари ва йўналишларини белгилаб олиши ва барча ҳаракатлар тизими ва ресурслар тақсимотини ушбу мақсадларни амалга оширилишига қаратилиши-дир [2].

Иконокластик таълимот (анъаналарга қарши таълимот) намоёндаси МакДжилл университети профессори Хенри Минцберг ўзининг 1994 йилда чоп этилган Стратегик Режалаштиришнинг юксалиши ва қулаши номли китобида шундай келтирган: стратегия кенг қиррали тушунча бўлиб, у режа, намуна, истиқбол кўринишларига ҳам эга. Бироқ кичик ҳаволада профессор стратегияни рақобатчилар устидан устунлик қилиш ва улар устидан ғолиб бўлиш учун айёрлик, манёвр деб ҳам атайди [3].

Маврина И.Н. нинг фикрига кўра, Стратегия – бу ҳаракатларнинг бош дастури бўлиб, асосий мақсадга етишиш учун муаммолар ва ресурсларнинг устуворлигини очиб беради. Стратегия бош мақсадларни уларга эришишнинг асосий йўлларини аниқлаб беради, ва натижада корхона ягона ҳаракат йўналишига эга бўлади [4].

Кузнецова Е.Ю., Крылатков П.П., Т.А.Минеева, Подоляк О.О. муаллифликларидаги “Совеременный стратегический анализ” ўқув қўлланмасида келтирилишича, ташкилот стратегияси – бу компания томонидан белгиланган истиқболдаги узоқ муддатли мақсадларни амалга оширишни таъминловчи чора – тадбирларнинг тизимидир [5].

Бизнинг фикримизча, Стратегия – бу бирор корхона ёки ташкилотнинг бошқарувчи бўғини томонидан корхонанинг молиявий, иқтисодий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда узоқ муддатга мўлжаллаб ишлаб чиқилган мақсад ва режаларнинг комплекс умумлашмаси бўлиб, у ўз ичига корхонанинг қисқа, жорий ҳамда узоқ муддатли режаларидан келиб чиқиб тузилган режаларни олади.

Тадқиқот методологияси

Ушбу илмий мақолани ёзиш жараёнида тадқиқот олиб боришнинг бошқа давлатларнинг ресурс тежамкорлиги соҳасидаги стратегик менежментнинг назарий асослари ўрганилди ва қиёсий таҳлил асосида таққосланди, шунингдек корхонанинг ички маълумотлари асосида индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, иқтисодий моделлаштириш усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Корхонанинг бош стратегияси, одатда, корхонанинг узоқ муддатга мўлжалланган ривожланиш режаси бўлиб, бунда корхона фаолиятининг барча жабҳалари атрофлича кўриб чиқилади. Бироқ, айнан ресурс тежамкорлигига йўналтирилган корхонанинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни корхонанинг бош стратегияси сифатида қабул қилиш ўз навбатида бир қанча ўзига хос хусусиятларни инобатга олишни тақозо этади.

Корхонанинг ресурс тежамкор стратегиясини ишлаб чиқишда бир қанча шартларга жавоб бериш зарурияти келиб чиқади. Уларнинг ичида асосийси ташқи муҳит омилларининг ўзгаришининг юқори интенсивлигини шартидир [6]. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг замонавий динамикаси, илмий – технологик тараққиётнинг илғор суръатлари, бозор конъюнктурасининг доимий ўзгаришлари корхонанинг тажрибаси ва стратегик ва молиявий менежментнинг умумқабул қилинган қоидаларига асосланган ҳолдагина корхона ресурсларини самарали бошқаришга йўл қўймайди. Бундай шароитда ишлаб чиқилган корхонанинг ресурс тежамкорлиги стратегияси баъзи бўлинмалардаги ресурс тежамкорлигининг самарадорлигини оширишга хизмат қилса ҳам, умумий ресурс тежамкорлигини таъминлашда қарама – қаршиликларга олиб келиши ва корхонанинг умумресурс тежамкорлиги самарадорлигини пасайишига олиб келиши мумкин. Сотник И.Н. ва Щевцов С.В. лар томонидан таклиф этилган микродаражада ресурс самарадорликка йўналтирилган стратегия юқоридаги барча жиҳатларни ўз ичига олиб, корхонанинг умумий ресурс тежамкорлигини самарали амалга оширишни кўзда тутади [7]. 1-расмда корхонанинг ресурс самарадор стратегиясининг элементлари келтирилган.

1-расмда келтирилган Ресурс тежамкорлиги стратегияси кўп жиҳатларни қамраб олган бўлиб, саноат корхоналарида умумқабул қилинган ўлчовлар асосида ресурс тежамкорликка йўналган стратегияни ишлаб чиқишда батафсил ечимлар таклиф этади. Бироқ шуни унутмаслик лозимки, саноат корхонаси қайси соҳада фаолият юритишини инобатга олиб, ресурс тежамкорлиги стратегиясини ишлаб чиқишда унинг баъзи тавсифларини қайта кўриб чиқиш ҳам талаб этилиши мумкин.

Темир – бетон маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхона фаолияти учун Ресурс тежамкорлиги стратегиясини ишлаб чиқиш учун, энг аввало, корхонанинг жорий вақтдаги ҳолатини таҳлил қилиш, бозордаги вазият, бозордаги рақобатчилар сони ва улардан корхонанинг устун жиҳатлари ва аксинча мавжуд камчиликлар, корхонанинг яқин ва узоқ давр учун истиқболдаги мақсад ва режалари ҳақида ахборотга эга бўлиш зарур.

Темир – бетон маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхонанинг ресурс тежамкорлиги стратегияси бу- корхона фаолиятининг узоқ муддатли ва сифат жиҳатдан аниқ йўналиши бўлиб, бунда корхона фаолиятининг ҳар бир бўлими фаолиятида энг оптимал йўллардан фойдаланилади. Ишлаб чиқариш жараёнида корхонадаги мавжуд техника ва ускуналар ёрдамида ортиқча чиқитларсиз маҳсулот чиқарилса, сифатли хомашё ва бутловчи бутловчи қисмларнинг узлуксиз етказиб берилиши устида ишланади, тайёр маҳсулотнинг корхона полигонларида туриб қолишларнинг олдини олиш чоралари кўрилади, энергия узилишларини бартараф этиш чоралари ишлаб чиқилади, тайёр маҳсулотни етказиб беришда транспорт воситаларининг барқарор ҳолатини таъминлаш вазифалари қўйилади, корхона персоналининг малакасини доимий ошириб бориш масалалари амалга оширилади.



1-расм. Корхонанинг ресурс самарадор стратегиясининг элементлари

Олиб борилган тадқиқотларимиз давомида шундай тўхтамга келиндики, Қўйлиқ КТКТЗда Ресурс тежамкорлиги стратегиясини шакллантиришда шартли равишда таркибий жиҳатдан қуйидаги масалаларни қамраб олиши мақсадга мувофиқ:

1. Корхонанинг асосий фондларининг жорий ҳолатини яхшилаш/янгилаш бўйича таклиф ва режалар

2. Корхонанинг молияси: мавжуд дебиторлик қарзларини камайтириш/ ундириш, инвестицияларни жалб қилиш бўйича чора – тадбирлар ишлаб чиқиш;

3. Корхона фаолиятини ривожлантиришга тадбиқ қилиниши кутилаётган инновацияларни ривожлантириш

4. Бозордаги корхонанинг ўрнини яхшилаш ва рақобатчилар устидан устунлик берувчи имкониятларни ишлаб чиқиш

5. Умумий ривожланиш стратегияси

Корхона учун ресурс тежамкорлиги стратегиясини шакллантиришда биринчи навбатда асосий фондларнинг ҳолатини билиб олишимиз зарур. Қуйидаги 2 - чизмада Қўйлиқ КТКТЗ даги асосий фондларнинг бошланғич қиймати, тикланиш қиймати ва эскириш коэффицентларини йиллар кесимида кўриб чиқамиз.



2-расм. Асосий фондларнинг асосий қўрсаткичлари

Манба: Қўйлиқ кўприклар темирбетон конструкциялари тажриба заводи ички маълумотлари

2-расмдан кўришимиз мумкинки, 2019 йил 1 чораги учун асосий фондларнинг бошланғич қиймати 15018251.55 минг сўмни ташкил этиб, 2015 йил билан таққослаганда бу қўрсаткич 2 баробардан кўпроқ миқдорни ташкил этган. Асосий фондларнинг тикланиш қиймати эса 2019 йилнинг дастлабки 3 ойида 11060070,53 минг сўм бўлиб, 2015 йил учун 5263001 минг сўмлик қийматдан 2,1 мартага кўпдир. Асосий фондларнинг эскириш коэффиценти 2015 йил учун 0,66 бўлган бўлса, тўрт йиллик эскириш ҳисобига 2019 йил учун 0,73 гача кўтарилган.

Эскириш коэффиценти қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$К_{эск} = И/О$$

Бу ерда, И – асосий фондларнинг эскириши. Корхона бухгалтерия балансининг N 1 шакли нинг 011 сатри.

О – асосий фондларнинг бошланғич қиймати. Корхона бухгалтерия балансининг N 1 шакли нинг 010 сатри.

Қўйлиқ КТКТЗ да асосий фондларнинг эскириш коэффиценти 2015-2019 йиллар учун ўртача йиллик 0.71 ни ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги № 207 сонли Қарорининг 3б- сонли Иловасига кўра

жорий давр охири учун эскириш коэффициенти 0.5 дан юқори кўрсаткични ташкил этса, корхонанинг асосий воситаларининг сезиларли эскириши мавжуд.[8] Бундан келиб чиқадики, корхонадаги асосий фондларнинг асосий қисми қарийб барчаси эскирган бўлиб, корхонанинг молиявий имконияти ва режаларидан келиб чиққан ҳолда уларни янгилаш зарур.

Корхонанинг материал сиғимлиликни тежаш бўйича стратегиясини ишлаб чиқиш давомида янги технологик ва ташкилий янгиликлар корхонада ишлаб чиқаришнинг биргина эмас, балки бир нечта кўрсаткичларга таъсир кўрсатишини тажрибалар кўрсатиб берди [9]. Маҳсулотнинг материал сиғимлилигини қисқартиришга йўналтирилган чора – тадбирларни нафақат материалларнинг иқтисод қилиш салоҳиятига, балки уларни ташкил этувчи унсурларга кўрсатадиган таъсир даражасига қараб ҳам фарқлаш лозим. Кўпгина иқтисодчи олимлар саноат корхоналарида материал сиғимни камайтиришга қаратилган чора – тадбирлар меҳнат сиғимдорлигини оширишга олиб келишини эътироф этадилар [10]. Бироқ машинасозлик корхоналарида тадбиқ этилган чора – тадбирларнинг таҳлили бу гипотезани рад этади. Мисол учун, металлардан қисмларни ясаш коэффицентини оширишга олиб келувчи технологик ишга туширишларнинг йириклашуви корхонанинг меҳнат харажатларининг ошишига олиб келди [11].

Материал – энергетик ресурсларни тежаш бўйича чора – тадбирларнинг оптималлашуви маҳсулот таннархини қисқартишдан келадиган тежамнинг харажатларга нисбати сифатида амалга оширилиши лозим. Россиялик иқтисодчи олимлар Ли И.В. ва Рогов Г.К. томонидан ишлаб чиқилган саноат корхоналарида материал ва энергетик ресурсларни тежаш бўйича чора – тадбирларни оптималлаштириш иқтисодий модели қуйидагича кўринишга эга:

$$\frac{\sum_{i=1}^{m} Э_i x_i}{\sum_{i=1}^{m} K_i x_i} \longrightarrow \text{Max } []$$

Бу ерда, $Э_i$ – і нчи тадбир ҳисобига маҳсулот таннархини камайтиришдан келган тежам;

K_i - і нчи тадбирни амалга ошириш харажатлари;

m – харажат сони;

x_i – 1 ёки 0.

x_i 1 га тенг бўлганда режа ишга тушади. Юқорида келтирилган модель ресурстежамкорлиги бўйича режани лойиҳалаштириш босқичидаги ҳисоб – китобларни амалга ошириш учун мўлжалланган.

Моделга кирувчи чора – тадбирларни амалга ошириш харажатлари умумлашган пул кўринишида ифодаланганлиги туфайли натурал – буюм кўринишида ифодаланган моддий ва меҳнат ресурслар режасининг бир – бирига тўғри келишига кафолат йўқ. Буларнинг барчаси ички ресурсларни очиқлаш, ташқаридан ресурслар жалб қилиш, чора – тадбирларни тадбиқ қилиш кетма – кетлигини ҳисобга олиш, уларнинг таъминий ва якуний таҳлиллари жавобига қараб эришилади.

Юқорида келтирилган моделнинг асосий шарти, моддий ва бошқа ресурсларни тежаш бўйича ишларни фаоллаштириш зарурлигидадир. Унинг кейинги босқичи бўлиб, режалаштириш ва стимуллаш тизимларининг тадбиқ этилиши бўлиши мумкин. Негаки, тўғри шакллантирилган корхона стратегияси эвазига таклиф этилган усул орқали эришилган тежам корхона жамоаси аъзолари ва хўжалик манфаатларига мос келиши ушбу тизимни самарали ишлашига ва келгусида эришилган тежам туфайли корхона ва унинг ишчиларининг даромадлари ортишига олиб келиши мумкин.

Корхонанинг ресурс тежамкорлиги стратегиясида яна бир аҳамиятга молик қисм корхонанинг дебиторлик қарзларини ундириш бўйича ижобий натижага эришишдир. Корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилишда харидор корхоналарнинг молиявий ҳолатини дастлабки ўрганиш, унинг бозордаги мавқеи ҳақида маълумот тўплаш, молиявий ҳолатининг барқарорлигини таҳлил қилиш дебиторлик қарзлари билан боғлиқ келгусидаги юзага келиши мумкин муаммоларни четлаб ўтишга имкон беради. Негаки дебиторлик қазларини ундириш бўйича ишлар энг аввало катта куч ва вақтни талаб қилади. Бундан ташқари бу жараён кўп босқичли бўлиб, ишнинг бошидан охиригача синчков назорат олиб боришни тақозо этади.

Хулоса ва таклифлар

Ресурс тежамкорлиги стратегиясини ишлаб чиқишда корхонага қуйидаги йўналишларда баъзи тавсиялар амалга оширилиши мумкин:

1. Маҳсулот таркибини соддалаштириш (Маҳсулот таркиби давлат стандарти билан тасдиқланган бўлса, янги стандарт намуналарини ишлаб чиқиб, Қўмитага қайта тасдиқлаш учун тақдим этиш);

2. Маҳсулот таркибий қисмларини унификациялаштириш, яъни маҳсулот тури, шакли, материаллари, тайёрланиш усуллари бўйича маҳсулотни ҳар тарафлама энг мақбул кўринишга келтириш.

3. Маҳсулотнинг технологик хусусиятларини такомиллаштириш. Технологик такомиллаштириш – конструкторлик ва технологик қарорларнинг энг самаралиларининг натижалари бўлиб, маҳсулотни яратиш учун белгиланган хомашё, техника – технология ва малакали ходимнинг биргаликдаги меҳнатининг энг оптимал туридир.

4. Ресурс тежовчи техника ва технологиядан фойдаланиш.

5. Корхона меҳнат жамоасининг ресурс тежамкорлиги масалаларида қарор қабул қилишдги иштироки ва уларнинг фикрини инобатга олиш

6. Корхонада ресурс тежамкорлиги жараёнининг мониторингини олиб бориш. Мониторинг қуйидаги босқичлардан иборат:

7. Ишлаб чиқариш бўлинмаларида ресурслардан фойдаланишнинг қиёсий даражаларини аниқлаш ва ҳар бир маҳсулот тури бўйича маълумотлар базасини шакллантириш;

8. Ҳар бир бўлинма учун энергетик паспортни шакллантириш;

9. Ресурсларнинг барча турлари бўйича реал истеъмолнинг ҳисоб – китобларда белгиланган кўрсаткичлардан ошиб кетган бўлинмаларда ресурсларнинг ҳар бир тури бўйича истеъмол аудитини олиб бориш.

10. Асоссиз ресурслардан фойдаланиш даражаси баланд бўлган бўлинмалар учун ресурс тежамкорлиги бўйича ташкилий ва техник чора – тадбирларнинг режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

References

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги № ПҚ – 4477 сонли “2019 – 2030 йилларда Ўзбекистон Республикасининг “яшил иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори.

2. https://www.nickols.us/strategy_etc.pdf Мурожаат санаси 24.01.2020.

3. https://pdfs.semanticscholar.org/89d3/153825e9606a67934df5a7a03125faddd825.pdf Мурожаат санаси 24.01.2020

4. Маврина И.Н. Стратегический менеджмент: учебное пособие – Екатеринбург: УрФУ, 2014. 4 бет.

5. Кузнецова Е.Ю., Крылатков П.П., Т.А.Минеева, Подоляк О.О. “Современный стратегический анализ” – Екатеринбург: Изд-во Урал, 2016 4 бет.

6. Мехович С.А. Выбор стратегии технологического прорыва на современном этапе./С.А. Мехович// Энергосбережение. Энергетика. Энергоаудит. – 2012. - №12. – 4-11 бетлар.

7. И.Н. Сотник, С.В. Щевцов «Формирование ресурсоэффективной стратегии предприятия в условиях инновационных изменений» Механізм регулювання економіки, 2014, № 3. 57-бет.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги № 207 сонли Қарори.

9. Ли Игорь Васильевич. Методология и методика формирования стратегии ресурсосбережения в промышленности. Диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук.Санкт – Петербург 1998г. 258бет.

10. Методика и практика оценки, планирования и прогнозирования научно – технического прогресса. – Минск, 1979. 15-25 бетлар.

11. Ли Игорь Васильевич. Методология и методика формирования стратегии ресурсосбережения в промышленности. Диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. 258 бет.